

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.15264269>

**ИБН ҲОЖИБНИНГ ҲАЁТИ ВА НАҲВ ВА САРФ БОРАСИДА ЁЗГАН
АСАРЛАРИ ҲАМДА НАҲВИЙ МАЗҲАБИ БОРАСИДАГИ ИЛМИЙ
ҲАҚИҚАТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Хомиджонов Мухаммаджон Мамасобирович

Ориентал Университети, араб тили факултети

2-курс магистранти.

Аннотация: мақолада араб тилининг машҳур олими ибн Ҳожибнинг ҳаёти у яшаган давр ёритилади. Олимнинг илмий фаолиятини таҳлил қилиши асносида унинг машҳур шогирдлари ҳақида қисқача илмий маълумотлар тақдим этилади.

Калим сўзлар: Misr, ибн Ҳожиб, Салоҳиддин Аюбий, мазҳаб, моликий, араб тили, қироат, ҳадис.

Аннотация: В статье освещается жизнь известного ученого в области арабского языка Ибн Хаджис и эпоха, в которую он жил. В ходе анализа научной деятельности ученого представлены краткие научные сведения о его знаменитых учениках.

Annotation: the article illuminates the life and era of Ibn Hajib, a renowned scholar of the Arabic language. Through an analysis of the scholar's scientific activities, brief academic information about his famous students is presented.

Keywords: Egypt, Ibn Hajib, Salahuddin Ayyubi, madhab, Maliki, Arabic language, Quranic recitation, hadith.

КИРИШ ҚИСМИ

Ибн Ҳожиб араб тилига алоқадор бўлган ҳар бир тадқиқотчи ва изланувчи учун буюк сиймо, улкан шахсият саналади. Унинг биргина «Кофия» асари нахв илми борасида Басра мазҳабининг қавлларини ёритиб берган муҳим манба эканидан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ибн Ҳожиб нафақат лингвист, луғатшунос балки Исломий илмларнинг бир қатор бошқа йўналишларида ҳам салмоқли илмий фаолият олиб боргани ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳат ҳисобланади. Олимнинг тўлиқ исми Абу Амр Усмон ибн Умар ибн Абу Бакр ибн Юнус курдий бўлиб, ибн Ҳожиб (эшик оғасининг ўғли) номи билан танилган.¹ Ибн Ҳожибнинг оиласи Озарбайжон худудига қарашли Давийн шахрида яшаган. Давийн шаҳрининг Озарбайжон худудига қарашли эканини Ёқут Ҳамавий ўзининг «мўъжамул булдон» асарида келтирган. Шунинг учун тарихий манбаларда Давийний нисбаси берилади. Ибн Ҳожиб деб аталишининг сабаби ҳақида «ан-нужумуз зоҳиро фи тарихи Миср вал Қоҳиро» асарида шундай дейилади:

«Олимнинг отаси амир Иззуддиннинг саройида эшик оғаси бўлиб хизмат қилган. Иззуд дин эса Салоҳиддин Аюбийнинг тоғаси ҳисобланади».²

АСОСИЙ ҚИСМ

Ибн Ҳожиб 570-йилнинг охирларида Иснода туғилган. Кейинчалик отаси оиласини олиб Қоҳирага кўчиб ўтади. У ерда ибн Ҳожиб Куръони карим ўрганишни бошлайди. Кейинчалик Моликий мазҳаби асосида фикҳ дарсларини ўргана бошлайди. Шу тариқа қироатлар борасидаги илмларни ҳам ўзлаштиради. Араб тилини пухта ўрганишни бошлайди.³ Вақт ўтиши билан Ибн Ҳожиб Дамашқдаги Умавийлар Жомеъсида моликий шайхи сифатида дарс бера бошлайди. Имом Субкий ўзининг «Тобақот»ида ибн Ҳожибни шундай сифатлаган: «ўз асрининг моликий мазҳаби шайхи».⁴ сифатлаган Шу билан бир

¹ Ибн Холикон. Вафаёт. З-жуз. – Қоҳира: Мактабату наҳзатул Мисрия, 2021. – Б. 248.

² Абул Маҳосин Юсуф ибн Тағрий. Ан-нужумуз зоҳиро фи тарихи Миср вал Қоҳиро. 6-жуз. – Қоҳира: ДКМ, 2016. – Б. 110.

³ Ибн Холикон. Вафаёт. З-жуз. – Қоҳира: Мактабату наҳзатул Мисрия, 2021. – Б. 248.

⁴ Тожиддин Субкий. Тобақотуш шофеъийя ал-кубро. З-жуз. Байрут: ДКИ, 1998. – Б. 265.

қаторда қироатлар ва араб тилига оид ҳалқаларга раҳбарлик қиласи.¹ Ибн Ҳожиб моликий мазҳабида етук муҳаққиқ бўлиб етишган.² Ибн Ҳожибнинг илмий салоҳияти ва ахлоқи борасида замонасининг уламолари ҳамда ундан кейинги олимлар ҳаммаси ижобий фикрлар билдиришган.

Ибн Ҳожибнинг бу даражага етшишида шайхларининг ўрни бекиёс, албатта. Аллома ўз давридаги етук шайхлардан дарс олгани ҳақида манбаларда кўплаб маълумотлар учрайди:

1. Имом Абу Муҳаммад Қосим ибн Фира ибн Ҳалаф ибн Аҳмад шотибий (538-590-ҳ). Ибн Ҳожиб у кишидан қироат илмини ўрганган.
2. Абул Фазл Муҳаммад ибн Юсуф ибн Али ибн Шихобтдин ғазнавий (522-599-ҳ). Ибн Ҳожиб Ғазнавийдан қироат илмларини ўрганган.
3. Абул Қосим Ҳибатуддин Али ибн Масъуд ансорий (506-598-ҳ). Ибн Ҳожиб бу кишидан ҳадис эшитган.
4. Абу Муҳаммад ибн Асокир Қосим ибн Ҳофиз Абул Қоисм Али ибн Ҳасан димашқий (527-600-ҳ). Дамашққа кирган пайти бу кишидан ҳадис эшитган.

Шунингдек ибн Ҳожиб минглаган шогирдларга дарс берган. Уларнинг орасида энг кўзга кўринганлари қуидагилар:

1. Закијуддин Абу Муҳаммад Абдулазим ибн Абдулқовий ибн Абдуллоҳ мисрий шофеъий (581-656-ҳ).

Қироат, араб тили ва фиқҳ илмларида мустаҳкам олимлардан бири бўлиб етишган.³

2. Имом Аллома Жамолиддин Тоий Муҳаммад ибн Али ибн Молик (600-672-ҳ).

Қироат ва унинг иллатлари борасида етук олим бўлган. бир қанча асарлар ёзиб қолдирган. Жумладан, Ибн Ҳожибнинг сарф борасида ёзилган Шофия асарининг муҳтасар ҳолга келтирган.⁴

3. Имом Розийиддин Абу Бакр ибн Амр ибн Али ибн Солим наҳвий шофеъий (607-695-ҳ).

¹ Абу Шома Димашқий. Тарожиму рижалул қорнайн. – Байрут: Дорул жийл, 1974. – Б. 182.

² Холид Абдуроҳман. Мавсұъатул фиқҳи моликий. 1-жуз. – Дамашқ: дорул ҳикма, 1993. – Б. 83-84.

³ Жалолиддин Суютий. Ҳуснүл муҳазоро фи тарихи Миср вал Қоҳиро. 1-жуз. – Миср: ДКМ, 1967. – Б. 355.

⁴ Абул Маҳосин Юсуф ибн Тағрий. Ан-нужумуз зоҳиро фи тарихи Миср вал Қоҳиро. 7-жуз. – Қоҳира: ДКМ, 2016. – Б. 243.

Куддусда туғилиб ўсган. Араб тилини ибн Муъит ва ибн Ҳожиблардан ўрганган. Араб тили бўйича етук имомлардан бири бўлган.¹

Ибн Ҳожибнинг илмий фаолияти билан яқиндан танишган ҳар бир киши олимдаги теран қарашиб, кенг уфққа рўбаро келади. Бу эса алломанинг араб тилидан ташқари бошқа исломий илмларда ҳам етук бўлганига ишорадир. Бунга олим қолдирган бой илмий мерос ҳам гувоҳлик беради. Олим тарафидан таълиф этилган асарлар орасидан нахв ва сарф илмига доир бўлганлари тартиб асосида тақдим этилади:

1. «الكافية» - бу олимнинг нахв илмида ёзган асари бўлиб, унинг аҳамиятли жихатларидан бири китобда сарфга доир маълумотлар аралаш келтирилмаган. Бу китобни ёзишда таянч услуб сифатида олим Замахшарийнинг «Муфассал» асарида қўллаган йўналишни танлаган. Бу китобга кўплаб олимлар тарафидан шарҳлар ёзилган бўлса, бир талай кишилар асарни мухтасар қилишган. Кофия асарига ёзилган энг машҳур шарҳлар қаторида биринчилардан бўлиб, ибн Ҳожибнинг ўзи ёзган шарҳ қимматли саналади. Ибн Ҳожибнинг шарҳи 1311-йилда Истанбулда чоп этилганини айтган. Кейинги ўринда шайх Жамолиддин ибн Моликнинг шарҳи туради. Шарҳлар ичида ҳажм жихатидан каттароғи ва энг диққат билан нозик нуқталарига ҳам алоҳида эътибор қаратилган шарҳ Розийиддин устуробозийга тегишли.²
2. «الشافية» - ибн Ҳожиб бу китобида сарф ва хат илмига доир маълумотларни мухтасар ҳолда келтирган. Ихтисор қилишда Кофиянинг йўналиши орқали борган. Бу китобга ҳам кўплаб олимлар тарафидан шарҳлар ёзилган. Уларнинг аввалида ибн Ҳожибнинг ўзи ёзган шарҳ туради. Бруклманнинг ёзишича бу шарҳнинг қўллёзма нусхаси Италиянинг Болония шаҳри кутубхонасида 316-рақам сотида сақланади. Шайх Фахриддин жорбардийнинг шарҳи ҳам машҳур. Бу асар 1850-йилда Остонада, 1805-йилда Калкуттада ва бир неча марта Қоҳирада нашр этилган.³
3. «الوافية في نظم الكافية» бу китобни ибн Ҳожиб Носир Довуд ибн Исонинг талабига биноан ёзиб берган. Асар назмий услубда ёзилган бўлиб, жами

¹ Жалолиддин Суютий. Буғятул вуъот фи тобавотил луговийийна ван нуҳат. 1-жуз. – Байрут: мактабатул асрийя, 2015. – Б. 470.

² Карл Бруклман. Тарихул адабил аъробий. 5-жуз. – Қоҳира: дорул маъориф, 1119-ҳ. – Б.309.

³ Юсуф Саркис. Мўъжамул матбуъатул аъробийя вал муъарроба. 1-жуз. – Қоҳира: матбаъату Саркис, 1928. – Б. 71.

980 байтдан иборат. Байтларнинг ичида Кофиядаги масалаларнинг бари мавжуд. Асарнинг қўлёзма нусхаси Испаниянинг Мадрид шаҳри кутубхонасида 146-рақам остида сақланади.¹

4. «الإيضاح في شرح المفصل» ибн Ҳожиб Замахшарийнинг ибораларига бирма-бир тўхталиб алоҳида изоҳ бериб ўтган. Айрим ўринларда Замахшарийнинг гапларига раддиялар билдириб ҳам кетган. Миср, Эрон, Тунис, Германия каби бир қатор мамлакатларнинг кутубхоналарида бу китобнинг нусхалари сақланади. Бу китобни Мусо алилий таҳқиқ қилган ва 1975-йилда айни шу китоб асосида тайёрлаган тадқиқотини Қоҳирадаги Дорул улум университетида муваффақиятли ҳимоя қилиб, докторлик илмий даражасини қўлга киритган. Тадқиқотчининг таҳқиқи остида мазкур китоб 1982-йили Бағдодда нашр этилган.²
5. «رسالة في العشر» бу китобда аъшар калимасининг қўлланишига доир илмий мубоҳаса ёритилган. Китобнинг қўлёзма нусхаси Берлин кутубхонасида 6894-рақам остида сақланади.³
6. «شرح المقدمة الجزولية» бу 607-ҳижрий санада вафот этган Абу Мусо Исо ибн Абдулазиз томонидан таълиф этилган муқаддима асарига ёзилган шарҳ ҳисобланади. Бруклmannинг таъкидлашича бу китобнинг қўлёзма нусхаси Мағрибдаги Қоровийн университетининг қўлёзмалар фондида 1198-рақам остида сақланар экан.

Ибн Ҳожиб тарафидан ёзилган асарлар ва айрим шарҳлар алоҳида рақамланмагани учун кам сон юзага келиши кузатилади. Бироқ бунинг ўзи ҳам олимнинг араб тилига оид асарлари дейиш тўғри бўлмайди. Бу асарлар тадқиқот давомида дуч келинган, маълумотлар тўпланган асарлар бўлиб, бизга яхши таниш бўлмаган ва кўп ҳамда ишончли аниқ фактларни тўплай олмаган асарлар бу ўринда зикр қилинмади.

Бу асарлари орқали олимнинг араб тилида тутган мазҳаби ҳақида уламолар ўртасида кўплаб баҳслар мавжуд. Олимнинг китобларини таҳлил қилиб кўрилса, у кўплаб наҳв имомларидан иқтибос келтирганига гувоҳ бўлиш мумкин. Лекин кўп ҳолларда ибн Ҳожиб Басралик наҳв олимларнинг қарашларини илгари

¹ Карл Брукман. Тарихул адабил аъробий. 5-жуз. – Қоҳира: дорул маъориф, 1119-ҳ. – Б.326.

² Карл Брукман. Тарихул адабил аъробий. 1-жуз. – Қоҳира: дорул маъориф, 1119-ҳ. – Б.570.

³ Карл Брукман. Тарихул адабил аъробий. 1-жуз. – Қоҳира: дорул маъориф, 1119-ҳ. – Б.334.

суради. Уларнинг хужжатларини қабул қилади. Бу ибн Ҳожибининг Сибавайҳ, Али Форисий ва Замахшарий каби олимлардан таъсирланганини кўрсатади. Чунки Сибавайҳнинг Басра нахв мазҳаби имоми эканида шубҳа йўқ. Ўзининг китобларини ҳам шу мазҳаб қоидаларига мувофиқ тарзда таълиф этган. Абу Али форисий ҳам кўпроқ Басра мазҳабига оғган. Замахшарийнинг Басра мазҳабига эргашгани ҳақида барча нахв уламолари иттифоқ қилишган.

Шу ва бундан бошқа ҳолатлар бизга Ибн Ҳожибининг Басра мазҳабига мойил бўлганинин кўрсатади. Бунга амин бўлиш учун олим тарафидан таълиф этилган «Омолий» асарини ўрганиш етарли.

ХУЛОСА

Ибн Ҳожиб ташқаридан қараганда оддий бир тилшунос олим, араб тилининг естук мутахассиси сифатида қўриниши мумкин. Лекин алломанинг ҳаёти ва илмий фаолияти билан яқиндан танишган ҳар бир киши унинг нақадар буюк ва кенг қўламли олим бўлганини англаши қийин эмас. Мақола давомида фақатгина араб тили йўналишида ёзилган асарларининг бир қисми, тўғрироғи аниқ факт ва аргументларга асосланган қисми келтирилди. Айни шу йўналишнинг ўзида олимга нисбат бериладиган ўнлаб асарлар мавжуд. Бу таълифларнинг ҳар бири алоҳида олам, кашф этилиши керак бўлган ихтиро ва бебаҳо хазина саналади. Бу асарларни ўрганиш бугунги кундаги биз ёш авлод вакиллари ва тадқиқотчилар ҳамда ёш олимларнинг олдида турган муҳим масала сифатида турибди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ибн Холикон. Вафаёт. 3-жуз. – Қоҳира: Мактабату нахзатул Мисрия, 2021. – Б. 248.
2. Абул Маҳосин Юсуф ибн Тағрий. Ан-нужумуз зоҳиро фи тарихи Миср вал Қоҳиро. 6-жуз. – Қоҳира: ДКМ, 2016. – Б. 110.
3. Тожиддин Субкий. Тобақотуш шофеъийя ал-кубро. 3-жуз. Байрут: ДКИ, 1998. – Б. 265.
4. Абу Шома Димашқий. Тарожиму рижалул қорнайн. – Байрут: Дорул жийл, 1974. – Б. 182.
5. Холид Абдуроҳман. Мавсузатул фиқҳил моликий. 1-жуз. – Дамашқ: дорул ҳикма, 1993. – Б. 83-84.
6. Жалолиддин Суютий. Ҳуснул муҳазоро фи тарихи Миср вал Қоҳиро. 1-жуз. – Миср: ДКМ, 1967. – Б. 355.
7. Абул Маҳосин Юсуф ибн Тағрий. Ан-нужумуз зоҳиро фи тарихи Миср вал Қоҳиро. 7-жуз. – Қоҳира: ДКМ, 2016. – Б. 243.
8. Жалолиддин Суютий. Буғятул вуъот фи тобавотил луғовийийна ван нуҳат. 1-жуз. – Байрут: мактабатул асрийя, 2015. – Б. 470.
9. Карл Бруклман. Тарихул адабил аъробий. 5-жуз. – Қоҳира: дорул маъориф, 1119-ҳ. – Б.309.
10. Юсуф Саркис. Мўъжамул матбуъатул аъробийя вал муъарроба. 1-жуз. – Қоҳира: матбаъату Саркис, 1928. – Б. 71.